



:... ..
... ..
... ..
... ..
... ..
... ..
... ..

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Уқба Ибн Омир розияллоху анху шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам бизни уч вақтда намоз ўқишдан ёки ўликларимизни дафн қилишдан қайтарар эдилар; қуёш чиқаётган вақтда то бир газ кўтарилиб олгунга қадар, кун тиккага келганида то мойил бўлгунича ва қуёш ботишга яқинлашганида то ботгунига қадар.

... ..
... ..
... ..
... ..
... ..

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Ибн Аббос розияллоху анҳумо шундай дейди: рози бўлинган кишилар — менинг наздимда улар ичида энг рози бўлингани Умар розияллоху анху эди — гувоҳлик бериб айтганларки: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам бомдоддан кейин то кун чиққунича ва асрдан кейин то кун ботгунича намоз ўқишдан қайтардилар.

Шарх:



Кун чиқаётган, чўққига келган ва ботаётган вақтларда унга сиғинадиган мушрикларга ўхшаб қолмаслигимиз учун шариатимиз биз мусулмонларни мазкур уч вақтда намоз ўқишдан ва ўликларимизни кўмишдан қайтарди. Бундай вақтларда жаноза, қазо ёки таҳийятул-масжид каби бирор сабабга боғлиқ бўлган намозларнигина ўқиш жоиз, улардан бошқа ҳар қандай намоздан қайтарилганмиз.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1. Бомдод намозидан кейин қуёш бир газ кўтарилгунга қадар нафл намоз ўқиш ҳаром.
2. Аср намозидан кейин қуёш ботгунга қадар сабабга боғланмаган нафл намоз ўқиш ҳаром.
3. Қуёш тиккага келганидан мойил бўлгунга қадар нафл намоз ўқиш ҳаром.